

қилишидан бошқа ишга рози бўлмаётган бир киши ҳақида савол сўраганини эшитди. Шунда у: «Онаси борасида Аллоҳга тақво қилсин ва унга силаи раҳм қилаверсин», деди. «Хотинини қўйиб юборадими?» деди. «Йўқ», деди Ато. Шунда ҳалиги одам: «Онаси шундан бошқага рози бўлмаяпти», деди. «Уни Аллоҳ рози қилмасин! Хотини қўлида. Талоқ қилса ҳам танглик йўқ, тутиб қолса ҳам танглик йўқ», деди».

Шарҳ: Ота-она фарзандни Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган нарсага буюрганда уни қилмаслик керак бўлади. Талоқ худди шундай нарса. Агар талоқ тушса, Раҳмоннинг Арши ларзага келади, дейилади. Шунинг учун бу ривоят она боласидан хотинини талоқ қилишни қаттиқ талаб қилса ҳам, бунга рухсат йўқлигининг далили сифатида келтирилибди.

Аллоҳнинг амрига, диннинг таълимотига қаралса, ота-онанинг ҳаққи жуда улўф. Бу ҳақиқатни ҳар бир мусулмон, ким бўлишидан қатъи назар, яхши билади ва ота-онанинг ҳаққини қўлдан келганича адо этишга ҳаракат қилади. Аммо дунёдаги барча махлуқотларга оид нарсаларнинг чегараси бўлгани каби, ота-она ҳаққининг ҳам чегараси бор. Банданинг Аллоҳнинг амрига зид бўлган хоҳиши рад қилинади. Холиққа маъсият бўладиган нарсада махлуққа итоат қилинмайди.

Ислом таълимотида иложи борича оилани мустаҳкамлашга амр қилинган. Бошқа бировнинг, агар ўша биров ота-она бўлса ҳам, хоҳишига биноан оилани бузишга рухсат йўқ. Бу ҳақиқатни барча уламолар ўзларининг қадимги ва янги китобларида таъкидлаганлар.

Муҳаммад ибн Муфлиҳ ибн Муҳаммад Мақдисийнинг «Ал-Одобуш-Шаръийя» номли китобида бу маънода алоҳида фасл бор. Унда жумладан, қуйидагилар айтилади:

«Фасл: Хотинини талоқ қилишда ота-онага итоат қилиш вожиб бўлмайди. Агар отаси унга хотинини талоқ қилишни амр этса, ижобат қилмайди. Буни асҳобларимизнинг кўпи зикр қилган».

Шайх Тақийюддин онаси томонидан хотинини талоқ қилиш амр қилинган киши ҳақида: «Унинг учун хотинини талоқ қилиш ҳалол бўлмайди. У онасига яхшилик қилаверади. Хотинини талоқ қилиш онасига яхшилик

қилишдан эмас», деган.

Бу маънодаги ҳукмлар ҳозирги фикҳий китобларда ҳам келган. Худди шу маъно қизини мажбурлаб ажратиб олишга уринадиган ота-оналар ҳақида ҳам айтилади.

Шариатнинг ҳукми шу бўлганидан кейин, ота-оналар инсоф қилишлари ва ўз фарзандларининг оиласини бузишни ўзларига эп кўрмасликлари керак.

«Бир киши имом Аҳмаддан: **«Отам хотинимни талоқ қилишимни буюрмоқда»**, деб фатво сўради. «Уни талоқ қилма!» деди. «Умар розияллоҳу анҳу ўғли Абдуллоҳга хотинини талоқ қилишни амр қилган эмасми?» деди. «Отанг Умар розияллоҳу анҳудек бўлганда сен ҳам қиласан», деди».

Яъни «Отанг Умарга ўхшаб ҳақ ва адолатни, ҳавойи нафсга эргашмасликни биладиган даражага етмагунча, хотинингни талоқ қилмай тур» («Мавсуъа Фикҳийя». 80-жуз. 71-72-бетлар).

نَسَخَ الْجَاقُ؟ تَزَامًا قَلَطِي نَأْمُهُمْ تَزَامًا لِحَرِّ هَلْ لِي قِ: لَاقِ نَسَخَ الْجَاقِ نَعِ دِيْمُ حَ نَعِ
عِيَّ شِ ي فِ أَوْرَبُ نَمُ قَالَطِ الْجَاقِ سَيَلِ

Ҳумайддан ривоят қилинади:

«Ҳасанга: «Бир кишини онаси хотинини талоқ қилишга буюрди?» дейишди. (Шунда) Ҳасан: «Талоқ онага яхшилик қилиш ишларидан эмас», деди».

Шарҳ: Одамлар тарафидан Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳига: «Бир одамнинг онаси «Хотинингни талоқ қиласан», деб туриб олса, нима қилади?» дейилган экан. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи айтибдиларки, «Хотинини талоқ қилиш онага яхшилик бўладиган ишлардан эмас». Яъни онанинг хурсандчилиги учун қилинадиган иш эмас. Бу эса онаси «Хотинингни талоқ қиласан», деб туриб олса, талоқ қилиш керак эмас. Онасининг бу талаби нотўғри талаб, ношаръий талаб. Уни қилмаса, боласи гуноҳкор бўлмайди, деганидир.

نَأْمُهُمْ تَزَامًا قَلَطِي نَأْمُهُمْ تَزَامًا لِحَرِّ هَلْ لِي قِ: لَاقِ نَسَخَ الْجَاقِ نَعِ دِيْمُ حَ نَعِ
عِيَّ شِ ي فِ أَوْرَبُ نَمُ قَالَطِ الْجَاقِ سَيَلِ

Абу Синандан ривоят қилинади:

«Саъид ибн Жубайрнинг шундай деганини эшитдим: «Мени чаён чақиб олди. Онам менга риқони ишлатишимни амр этди. Унга осий бўлишни истамадим ва риқони чақилмаган қўлим билан тутдим».

Шарҳ: Саъид ибн Жубайр тобеъинларнинг жуда улуғ олимларидан бўлган. Бир куни у кишининг қўлларини чаён чақиб олибди. Оналари жон ҳолатда жоҳилийларнинг «риқо» деб номланадиган туморини тутқазиб: «Мана шуни суркасанг, яхши бўлади, шуни суркасанг, яхши бўлади», дебди. «Шунда, онамнинг кўнгли қолмасин, яъни мен у кишига осий бўлмайин, дедим-да, ҳалиги туморни олиб, соғ қўлимга суртдим», дейди Саъид ибн Жубайр.

Бу ерда онани хафа қилмаслик учун ҳийла ишлатилган, лекин эътиқодга зарар етадиган нарса қилинмаган. Ўша нарса мени тузатиб юборади, деб эътиқод қилиш ширкка олиб боради. Албатта, мўмин-мусулмон одам бундай қилмайди. Она тушунмасдан, ҳалиги гапни айтиб турибди. Олим одам онамни хафа қилмай, деб, туморни олиб, соғ қўлига суртибди. Чақилган қўл оғриб турган, лекин бир йўла икки нарсанинг ҳам уддасидан чиққан эканлар. Яъни оналарини ҳам рози қилганлар, ширкка ҳам йўл қўймаганлар.

Демак, баъзи ота-оналар тушунмасдан, ношаръий ишларни қилишни талаб этганларида, ҳийла ишлатиб бўлса ҳам, гуноҳга яқин йўламаслик чорасини ахтариш керак.

عَاهَهُ رَمِي بَأَنَّكَ وَ، أَيْ حُكُّنُكَ وَ، أَيْ رَمِي دُنْعُ تَنَّاكَ : لَأَقْرَمِعُ نَبِيَّ لَلدَّبَعِ نَعِ،
قَلَطَ لَه لَلدَّبَعِ أَي : نِيْنَاعَدَفُ ، أَي بَبَلَل لَكَ لَدَرَكَ دَفُ ، أَي بَبَلَطُ أَي نِي رَمِ أَيْ
«كَتَأْرَمِ».

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади:

«Менинг бир аёлим бор эди. Уни яхши кўрар эдим. Лекин отам Умар уни ёқтирмас эди. У менга уни талоқ қилишимни буюрди. Мен хоҳламадим. У буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилди. Шунда у зот мени чақириб: «Эй Абдуллоҳ! Хотинингни талоқ қил!» дедилар».

Шарҳ: Бу ердаги ривоят олдингиларига тамоман тескари. Ота талоқ қилишни сўраяпти. Бола эса хоҳламаяпти. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса отани қўллаяптилар. Бу ерда гап кимнинг устида кетаётганига эътибор бериш лозим, яъни ҳазрати Умар розияллоҳу

анхунинг илмларига ва эътиқодларига заррача шубҳа бўлмагани учун гап бошқача бўлмоқда. Зеро, ҳазрати Умар – улуғ одам, мужтаҳидларнинг мужтаҳиди, Расулulloҳнинг энг яқин кишилари. У киши ўғилларининг адашганини яхши билган бўлсалар керак. Келиндаги бир нарсани кўриб, аниқламасалар ва шариатга мувофиқ бўлмаса, гапирмас эдилар. Яъни, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ношаръий гапни ўғлига айтиб, «Шундай қил», деб буюрмасдилар.

Шу айтаётган буйруқларида ўғилларига ҳам, ўзларига ҳам, талоқ қилинаётган хотинга ҳам шаръий жиҳатдан яхшилик борлиги учун қилганлар бу ишни. Ана шуни эътиборга олиш лозим.

Буни умумий қилиб, ҳазрати Умар ўғлига хотинини талоқ қилиш ҳақида буйруқ берган экан, биз ҳам шундай қилсак, суннат бўлар экан, демаслик керак. Биз саҳобийнинг амалини қиламиз, деган гап бўлмаслиги лозим. У киши буни билиб туриб, ҳамма ёғини жой-жойига қўйиб қилганлар.

Юқорида ҳам зикр қилиб ўтилганидек, имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан бир одам: «Отам хотинимни талоқ қилишимни буюрмоқда», деб фатво сўради. «Уни талоқ қилма!» дедилар. «Умар розияллоҳу анҳу ўғли Абдуллоҳга хотинини талоқ қилишни амр қилган эмасми?» деди ҳалиги одам. Шунда у киши: **«Отанг Умар розияллоҳу анҳудек бўлганда сен ҳам қиласан»**, деб рад қилдилар.

Машҳур ҳанафий олимлардан Мулло Али Қори ота-онага зулм бўлса ҳам, яхшилик қилиш ҳақидаги гап борасида: «Бу айна камолдир. Аммо жоизликнинг асли эътиборидан, (ота-она томонидан) хотини билан ажрашиш ҳақида амр бўлса, уни талоқ қилиш лозим бўлмайди. Агар ота-она қаттиқ озор топсалар ҳам», деган.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.